

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

З.Пардаева	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
З.Мамадалиева	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
И.Рустамова	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
А.Бердиалиев	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
Т.Эназаров	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
Ҳ.Шокирова	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов	
Микроматн композицияси.....	116
Ф.Шарипов, Т.Галиев	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
М.Ширинова	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Т.Эгамбердиева, М.Зиёева	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Д.Мухторова	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
К.Кодиров, Т.Тўхтасинов	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
Р.Казоков	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
М.Ҳакимов, А.Маруфжонов	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
С.Исроилжонов, В.Каримов	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
М.Дадақўзиев, О.Эркабоев	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
Ф.Маматов	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 4

ЭГА ВА УНИНГ УМУМЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА
О ПОДЛЕЖАЩЕМ И ЕГО ОБЩЕЯЗЫКОВЫХ СВОЙСТВАХ
ABOUT THE SUBJECT AND ITS GENERAL LANGUAGE PROPERTIES

А.Бердиалиев¹

¹А.Бердиалиев

– Б.Фафуров номидаги Хўжанд давлат университети
(Тожикистон), ф.ф.д., профессор, академик.

Аннотация

Мақолада эганинг феълли ва отли гапларда лисоний фарқланиши, эгаларнинг логик-грамматик, грамматик ва услубий-прагматик сингари турлари, шунингдек, эгасиз кўлланиши мумкин бўлмаган содда гаплар ҳақида маълумот берилади.

Аннотация

В статье рассматриваются различия между предложениями глагольного и именного типов, логико-грамматические, грамматические и стилистико-прагматические типы подлежащих; речь также идет о предложениях, употребление которых невозможно без подлежащего.

Annotation

The article discusses the differences between sentences of the verb and nominal types, about the logical-grammatical, grammatical and stylistic-pragmatic types of subjects; furthermore, the issues of sentences, the use of which is impossible without a subject, is considered in the article.

Таянч сўз ва иборалар: *икки бош бўлакли гап, содда гап, эга, субстантив эга, субстантивлашган эга, логик-грамматик эга, грамматик эга, услубий-прагматик эга, номинатив эга, инфинитив эга, феъл предикат, от предикат.*

Ключевые слова и выражения: *двусоставное предложение, простое предложение, подлежащее, субстантивное подлежащее, субстантивированное подлежащее, логико-грамматическое подлежащее, грамматическое подлежащее, стилистико-прагматическое подлежащее, номинативное подлежащее, инфинитивное подлежащее, глагольный предикат, именной предикат.*

Keywords and expressions: *a two-component sentence, a simple sentence, a subject, a substantive subject, a substantiated subject, a logical-grammatical subject, a grammatical subject, a stylistic-pragmatic subject, a nominative subject, an infinitive subject, a verbal predicate, a nominal predicate.*

Ўзбек тилшунослигида эга бўйича анчагина тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса-да [1], бу мураккаб лисоний категориянинг назарий масалаларини ҳали тугал нуқтасига етган, деб бўлмайди. Чунки эга гап бўлаклари парадигмасида энг мураккаб мантикий-грамматик ҳодисалардан бири ҳисобланадики, унинг тадқиқотга муҳтож қирралари яна анча.

Содда гаплар қурилишида гап бўлаклари улар таркибининг асосий вазифавий (функционал) бирликлари ҳисобланади. Шу жиҳатдан бу ҳодисалар, гарчанд гап синтактик қурилишининг таксономик бирликлари томонидан шаклланса-да, улардан фарқ қилади. Гап синтактик қурилишининг таксономик бирликлари дейилганда, гапни шакллантирувчи мустақил маъноли ва ёрдамчи сўзларнинг барчаси тушунилади.

Таксономик бирликларнинг гапнинг гап бўлақларига нисбатан миқдорий ва номиқдорий муносабати асосида содда гапларнинг синтагматик мутаносиб ва синтагматик номутаносиб сингари турлари фарқланади. Масалан, **Талабалар имтиҳонларни муваффақиятли топширдилар** гапи тўрт шаклий, яъни таксономик бирликдан иборат: **талабалар, имтиҳонларни, муваффақиятли, топширдилар**. Ҳар бир таксономик бирлик алоҳида ва алоҳида тўрт мустақил гап бўлақларини шакллантирган: эга (**талабалар**), кесим (**топширдилар**), воситасиз тўлдирувчи (**имтиҳонларни**) ва тарз (равиш) ҳоли (**муваффақиятли**). Мазкур гапнинг синтактик қурилишида синтагматик мутаносиблик (симетрия) мавжуд: тўрт таксономик бирлик-тўрт вазифавий бирлик (яъни тўртта гап бўлаги).

Ерга муҳаббат - элга муҳаббат (мақол) гапининг синтактик қурилиши ҳам тўрт шаклий, яъни таксономик бирлик ёрдамида шакланган: **ерга, муҳаббат, элга, муҳаббат**. Бироқ бу гап қурилишида икки вазифавий бирлик, яъни икки гап бўлаги мавжуд: **эга (ерга муҳаббат), кесим (элга муҳаббат)**. Мазкур гап, ундаги таксономик ва вазифавий бирликлар миқдоран фарқ қилгани учун синтагматик номутаносиб (ассимметрияли) қурилишли жумла ҳисобланади.

Гап синтактик қурилишига хос синтагматик мутаносиблик ва синтагматик номутаносиблик масалалари алоҳида ва жиддий тадқиқот мавзусидир.

Мазкур мақолада содда гаплар қурилишида эга ва унинг айрим лисоний хусусиятлари ҳақида фикр юритиш мақсад этилган.

Бош келишиги шаклидаги от ва олмошлар, шунингдек, отлашган бошқа сўзлар гапининг эгаси вазифасида хизмат қилади; буларнинг от ва олмош билан ифодаланганлари субстантив, отлашган сўзлар билан ифодаланганлари эса, субстантивлашган эгалар, деб аталади (А.Фуломов, М.Асқарова). Рус тилшунослигида от, олмош ва отлашган бошқа сўзлар билан ифодаланган эгаларга нисбатан **номинатив эга** атамаси ҳам ишлатилади [2]. Бироқ бу шакллар эганинг морфологик принцип асосида белгиланувчи одатдаги грамматик шакллари бўлиб, уларнинг семантик принцип асосида ажратилувчи грамматик шакллари фарқ қилади.

Эгалар, содда гапининг тур ва типларига кўра фарқ қилади. Масалан, феъл кесимли, яъни феъл предикатли гаплар эгаси от кесимли, яъни от предикатли гапларнинг эгасидан фарқ қилади. Чунончи, феълли гапларнинг эгаси: а) мантиқий-грамматик (логик-грамматик), б) грамматик ва в) услубий-прагматик сингари уч гуруҳга бўлинади.

Мантиқий-грамматик (логик-грамматик) эгалар бош келишиги шаклидаги сўзлар билан ифодаланиб, феъл кесимлардан англашилган иш-ҳаракат, ҳаракат-ҳолатнинг мантиқан бажарувчиси (субъекти) маъносини билдиради. Мантиқий-грамматик эгалар одатда феълли гапларнинг актив қурилишли типлари учун хос бўлади.

Грамматик эгалар эса, феълли гапларнинг пассив қурилишли типлари учун хос бўлиб, кесимлардан англашилган иш-ҳаракат, ҳаракат-ҳолат бажарувчисини эмас, балки феъл кесимдан англашилган иш-ҳаракат, ҳаракат-ҳолат йўналган, уни ўз устига олган объект маъноларини билдиради. Бундай гапларда мантиқан эга маъносидаги сўз гап қурилишида иштирок этмайди, иштирок этган тақдирда ҳам, у грамматик жиҳатдан воситали тўлдирувчи вазифасида бўлади [3].

Услубий-прагматик эгалар бир бош бўлакли гапларнинг эга киритиш йўли билан шартли равишда икки бош бўлакли гапларга айлантирилган муқобиллари учун хосдир. Масалан, **Зарина уни туғилган кун билан табриклашга келган тўрт-беш курсдошларидан бирини секин туртиб: “Сиз кетмайсиз!”**, **-деб пичирлади** (В.Қодирий). Келтирилган матн парчасидаги **“Сиз кетмайсиз!”** гапида эга услубий-прагматик характерга эга бўлиб, **“гуруҳдан атиги бир шахсни ажратиш”** маъносини билдирмоқда. Мазкур гап эгасиз шаклда **“Кетмайсиз”** тарзида ифодаланса, сўзловчининг шу жумлада кўзда тутган мақсади рўёбга чиқмай қолади.

Услубий-прагматик эгалар, булардан ташқари, ундалмали феълли гаплар учун ҳам хос бўлиб, уларда эга вазифасидаги сўз шакллари мантиқан иш-ҳаракат, ҳаракат-ҳолат субъекти маъносига ҳам, грамматик эгаларга хос лисоний маънога ҳам эга бўлмайди. Бундай эгалар, юқоридагидек, **“бир гуруҳ шахслар орасидан бирини ажратиш”** маъносини билдиради. Масалан, **“Аҳмедов, сиз вазифани ўқинг”, “Зилола, сиз шеърни ёд олдингизми?”** каби ундалмали гапларда эга ана шундай вазифада, яъни услубий-прагматик характерда. Ўқитувчи гуруҳ талабаларидан бирининг исми-шарифини билмаса, унга қарата **“Сиз вазифани ўқинг”, “Сиз шеърни ёд олдингизми?”** каби икки бош бўлакли гаплар шаклида мурожаат қиладики, бунда эга вазифасидаги **“Сиз”** олмошида ҳам ундалмага, ҳам эгага хос лисоний-прагматик хусусиятлар қоришган бўлади. Бундай унсурларга нисбатан, шартли равишда, **синкретик бўлак** атамасини қўллаш мумкин.

Эгалар гап бўлаклари ажратилишининг семантик принцигига кўра белгиланганда,

улар мантиқан иш-ҳаракат бажарувчиси (субъекти) маъносини сақлаган ҳолда, ўзига хос прагматик нагрузкага эга бўлади. Бундай эгалар услубий-прагматик эгалар ҳисобланади. Услубий-прагматик эгаларнинг бош келишиги шаклида воқеланадиган кўринишлари ҳам йўқ эмас. Бош келишиги шаклида воқеланадиган услубий-прагматик эгалар одатда ундалмали ва эгасиз қўлланиши меъёрий ҳисобланган гаплар (бундай гаплар бир бош бўлакли бўлади)нинг синтактик қурилиши учун хос бўлади.

Эга, грамматик шаклига кўра, одатий ва ноодатий шаклларда ифодаланади. Эгаларнинг грамматик жиҳатдан одатий шакли – бу, уларнинг бош келишиги шаклидаги сўз ва иборалар билан ифодаланиши. Ноодатий шаклдаги эгалар сўз ва ибораларнинг қаратқич ва чиқиш келишиклари шакллари билан ифодаланади. **Укамнинг ўқиши керак, Йиғилишда маҳалла фаолларидан ҳам иштирок этди.**

Ноодатий шаклда ифодаланганда, эга вазифасидаги сўз шакллари грамматик жиҳатдан шу шаклларга хос вазифа бажармайди. Шунинг учун ҳам бундай эгалар бош келишиги шаклига келтирилса ҳам, гапнинг грамматик қурилиши ўзгармайди, чунки уларда қаратқич ва чиқиш келишиклари шакллари синтактик вазифадан холи бўлади. Масалан, **Укамнинг ўқиши керак - Укам ўқиши керак; Йиғилишда маҳалла фаолларидан ҳам қатнашди - Йиғилишда маҳалла фаоллари қатнашди** ва ҳ.к.

Эга гап бўлақларига бағишланган деярли барча ишларда, шунингдек, дарслик ва қўлланмаларда гап грамматик қурилишининг абсолют (мутлақ) ҳоким бўлаги сифатида тавсифланади [4]. Эга ўзига хос грамматик ҳодиса сифатида қаралар экан, эга зиммасидаги бу “имтиёз” ҳақиқатга у қадар тўғри келмайди. Хусусан, феъл кесимли гапларда грамматик жиҳатдан кесим мутлақ ҳокимлик хусусиятига эга. Айнниқса, феъл валентлиги нуқтаи назаридан ёндашилса, гапдаги аниқловчилардан ташқари, барча гап бўлақларини “ўзига қаратувчи”, яъни тобелантирувчи бош бўлак–бу, феъл билан ифодаланган кесим ҳисобланади (бундай

кесим феъл предикат, деб ҳам аталади). Тўлдирувчи, ҳол сингари иккинчи даражали бўлақлар феъл кесимларга объектли ва релятив муносабатларга кўра тобеланса, эга кесимга (феъл кесимга) предикатив муносабатга кўра тобе бўлак ҳисобланади. Т.П.Ломтев эгага хос бу хусусиятни, яъни гап қурилишидаги мутлақ ҳокимлигини гапнинг логик-номинатив аспектига кўрадир, деган тўғри хулосага келади. Унинг фикрича, эга грамматик жиҳатдан кесимга (феъл кесимга) тобе бош бўлақдир [5].

Эга бўйича айтилган юқоридаги хусусиятлар отли (от кесимли, от предикатли) гапларнинг эгалари учун хос эмас, албатта. Отли гапларнинг эгаси фақат мантиқий-грамматик (логик-грамматик) характерга эга бўлади. От предикатли (кесимли) гапларнинг эгалари иш-ҳаракат, ҳаракат-ҳолат бажарувчиси маъноларини билдирмайди, балки от кесимлардан англашилган белги-хусусит, миқдор-даража кабиларни ўз устига олган кенг маънодаги предметлик маъноларини билдиради. Бундай эгаларга нисбатан рус тилшунослигида “инфинитив эга” атамаси ишлатилади [6].

Нутқда шундай гаплар ҳам учрайдики, уларни эгасиз шаклда қўллаш мутлақо мумкин эмас. Кесими таркибида боғлама бўлмаган от предикатли гаплар ана шундай тавсифда бўлади. Масалан, **Мен талабаман, Сен фаолсан** сингари от кесимли гаплар **Талаба..., Фаол...** шаклларига келтирилса, улар эгасиз бўлгани учун гапга ва кесимга хос грамматик хусусиятлар тугал барҳам топади.

Эгалар қўшма гаплар қурилишида, содда гапларникидан фарқли равишда, яна ўзгача лисоний хусусиятлар касб этадики, бу, эга ҳақидаги жиддий тадқиқотларнинг ҳали давом этишига ишорадир.

Хуллас, эга - ўзига хос мураккаб синтактик категория. Бу ҳодисанинг лисоний табиати умумий тилшунослиқда ҳам муштарак илмий талқинга эга эмас. Шунингдек, гапнинг эга билан боғлиқ мутаносиб (симметрик) ва номутаносиб (асимметрик) қурилиши ҳам борки, бу масала давр талабидаги алоҳида илмий кузатишлар учун долзарб мавзулардан биридир.

Адабиётлар:

1. Сафаев А. Главные члены простого предложения в современном узбекском языке // Труды САГУ, Новая серия. Вып. 135, Филологические науки. Кн. 16. –Т., 1958; Сафаев А. Главные члены простого предложения в современном узбекском языке. Автореферат канд. диссертации. –Т., 1958; Убаева Ф. Однородные главные члены предложения в современном узбекском языке. АҚД, -Т., 1958; Сафоев А. Ўзбек тилида бир ва икки бош составли гапларнинг бош бўлаклари // Сборник научных трудов аспирантов САГУ им.В.И.Ленина. вып. 1У. –Т., 1959; Мухамедова Д., Шоазизов Ш. Эганинг бир ёки бирдан ортиқ сўз формалари билан ифодаланиши //Тошкент давлат пед.институтининг илмий асарлари, 87-том - Т., 1972; Шоазизов Ш. Эга ҳақида баъзи мулоҳазалар // Тошкент давлат пед.институтининг илмий асарлари, 87-том, 1972; Шаазизов Ш.Ш. Подлежащее и его выражение в современном узбекском литературном языке. АҚД. – Т., 1973.
2. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис, -Т., 1987.
3. Бердиалиев А., Шеронов Б. Ўзбек тили. Синтаксис. -Хўжанд, 2010.
4. Ҳозирги ўзбек адабий тили.11. Синтаксис. Ғ.Абдурахмонов умумий таҳрири остида. –Т.,1966; Ўзбек тили грамматикаси.11.Синтаксис. –Т., 1976..
5. Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М., 1972.
6. Белошапкина В.А. Современный русский язык. Синтаксис. – М., 1977; Лекант П.А. Синтаксис простого предложения в современном русском языке. – М., 1974; Касаткин Л.Л., Клобуков Е.В., Лекант П.А. Краткий справочник по современному русскому языку. – М.: Высш. школа, 1981; Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.:Просвещение, 1976.